
Малик Муродов
Ҳожиакбар Шайхов
ҲАЁТБАХШ
ХАЁЛЛАР

чиқурроқ ўрганишга, инсон зотининг ўзи қитъалар орасидаги чегараларни ва сиёсий келишмовчиликларга нисбатан кенгроқ эътиборга сазовор экани англаб етган бўлишарди. Сиз бошқа сифатида одамларни эҳтиёжворликка чорламоғингиз лозим. Ёшларга эса, шундай деб айтинг: «Болаликнинг ёркин туйғуларини орзу қилинг, балоғатнинг ёркин кунида меҳнат қилинг!»

— Одам табиатни ва ўз-ўзини билиш учун саёҳат қилади, — ғояда дахлсиз этади атоқли фантаст, — билиш эса, мантиқан демакдир. Саёҳатга менга ўхшаган одамлар иштиёқ уйғотишади, зотан улар қоғоз кемачалар, ҳаво шарлари ва хитой мушакларида мантиқка интилишдан кўра қаттароқ нарсалар борлигини кўра оладилар».

Ватанг доно ғалар!

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг нодир намуналаридан бўлмиш сеҳрли-фантастик эртаклар каби ҳозирги замон илмий фантастика асарлари ҳам одамни табиат оламини ва ўз-ўзини билишга, ғаройиб саёҳатларга чорлайди, «Болаликнинг ёркин туйғуларини орзу қилишга ва балоғатнинг ёркин кунида меҳнат қилишга» ўргатади. Уларнинг ёш китобхонлар ормаси учун маънавий-эстетик аҳамияти ҳам, бизнингча, мана шунда.

ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ҚОМУСИ

Оғзаки ва ёзма бадиий адабиётнинг ажойиб жанрлари каби сеҳрли-фантастик эртак ва афсоналар ҳам инсоний юксак идеаллар, олижаноб фазилатлар, илғор гуманистик қарашлар руҳида тарбиялайди. Улуғ доҳийимиз В. И. Ленин: «Ҳар қандай эртакда ҳақиқат элементлари ётади», деб ёзганида, эртаклардаги ана шу хусусиятларни кўзда тутган эди, албатта.

Сеҳрли-фантастик эртакларда кўзга ташланадиган асосий хусусиятлардан бири синфий позициянинг айниқлиги, халқчиллик ғояларининг кучлилигидир. Бу ҳодиса, халқ эртакларида эртак қаҳрамонларининг хатти-ҳара-

катлари, саргузаштлари, воқеалар ичимида тартиб, эртак айтувчининг шахсиятида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Синфий позициянинг очиқ-ойдинлиги, муносабатларнинг конкретлиги, халқчиллик, диний ақидаларга, унинг ҳомийларига антипатия руҳи, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, зулм ва шафқат, ҳаёт ва ўлим, меҳнат ва текинхўрлик, илм ва жаҳолат, инсон шаънини улуғлаш, ижтимоий ҳаётдаги поҳаклик, бузуқлик, туҳмат, игво, фисқ-фасод, текинтомоқлик, лоқайдлик, сотқинлик каби иллатларни фош этишдаги ўткир ҳозиржавоблик хусусиятлари ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг мавзу жиҳатдан ранг-баранглигини кўрсатади. Шу маънода уларни ғоявий-синфий, тарихий-ижтимоий ва маърифий-эстетик жиҳатдан чуқур ўрганиш ҳозирги давр ўзбек фольклоршунослигидаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, эртакларда қўлланилган хилма-хил бадиий тасвирий воситаларни уларда акс эттирилган ғоявий мазмун билан биргаликда тадқиқ этиш орқали фундаментал тадқиқотлар яратиш ҳам ўзбек совет фольклоршунослигининг актуал проблемаларидандир.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш керакки, ўзбек совет фольклоршунослиги марксча-ленинча таълимотга асосланган ҳолда эртакларни ўрганиш бўйича маълум ютуқларни қўлга киритди ва киритмоқда.

Мазкур тадқиқотларда ўзбек халқ эртакларини ёзиб олиш, танқидий текстни яратиш, ғоявий-бадиий фазилатларини кенгроқ планда тадқиқ этиш, эртак жанрининг бошқа фольклор жанрлари билан муносабати, ёзма адабиёт билан алоқадорлиги масаласи, умуман, ўзбек халқ эртакларининг авлодларимиз маънавий ҳаётида, тафаккур тараққиётида тутган ўрни ва роли каби масалаларнинг илмий жиҳатдан асослаб ёритилиши муҳим назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади. Шуниси қувонарлики, ўзбек совет фольклоршунослиги тараққиётининг дастлабки даврларидаёқ, бошқа жанрлар

каби жойлардаги мавжуд эртакчиларни аниқлаш ва улар оғзидан ёзиб олинган энг яхши намуналарни чоп этишга эътибор берилди. Бу ўз навбатида ўтмиш авлодларимизнинг бизга қолдирган улкан бадиий мерослардан бирининг — жуда бой, оригинал эртакларининг йўқолиб кетишига йўл қўймаслик, аксинча, уларни нашр этиш орқали халқнинг ўзига қайтариш имконини берди. Ammo, бутун диққат-эътибор эртак соҳасида ҳам фактографик фондни яратишга қаратилганлиги сабабли, уларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга дастлабки йилларда эътибор кам бўлди. Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда ўзбек эртакшунослигида илмий тадқиқотнинг янгидан-янги йўналишлари юзага келиши ва уларнинг йилдан-йилга тараққий этиб бораётганлиги кишини қувонтиради.

Ўзбек совет эртакшунослигининг қўлга киритган ва киритаётган шундай салмоқдор ютуқлари билан бирга бу соҳада эътибордан четда қолиб келаётган айрим масалалар ҳам диққатимизни тортади.

Сўнгги йилларда эртаклар бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, уларни чоп этиш (гарчи етарли бўлмаса-да) ишларига кўпроқ эътибор берилиб, халқ орасидаги мавжуд материалларни ёзиб олиш, яъни тўпловчилик ишларига аҳамият бериш бир оз сусайиб кетгандай туюляпти. Бундай аҳволга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳали ёзиб олишга улгурилмаган эртаклар халқимиз оғзаки хазинасида жуда кўп, уларни қунт-сабот билан миллий колоритини сақлаган ҳолда қоғозга тушириш, эртакчилигимиз соҳасида ҳам фольклористик кузатишлар олиб бориш лозим. Чунки, эртакларнинг аксарияти кекса ота-оналар, мўйсафидлар хотирасидагина сақланиб қолган, холос. Уларнинг ҳар бир куни ғанимат. Бу соҳадаги лоқайдлигимиз, бепарволигимиз туфайли қанчадан-қанча оригинал, бетакрор эртаклар ёзилиб олинмай йўқолиб кетмоқда. Қишлоқларимиз бисотидаги сон-саноқсиз эртаклар ўзининг

ёзиб олувчисини кутиб ётибди. Тадқиқотчилар, мутахассислар уларни ёзиб олиб, келгуси авлодларга етказмоқлари шарт. (Демоқчимизки, эртакшунослигимиз фақат архив материаллари орасида ўралашавермай, жойлардаги кишилар орасида айтилиб юрилган эртакларни ўрганиш ва ёзиб олишнинг фидойилари бўлиб қолсинлар.) Айни шу ўринда бир масалани таъкидлаб ўтишни истар эдик. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Москва, ленинградлик ҳамкасбларининг бу борадаги тажрибаларини қўллаб, ўзбек эртакларини тўплашга, чоп этишга ҳам бош-қош бўлса айни муддао эди. Шунингдек, жойларга уюштирилган экспедицияларда ёзувчилар ҳам иштирок этишса, нур устига аъло нур бўларди.

Ўзбек халқ эртаклари ҳақида сўнгги йилларда яратилган тадқиқотларни кўздан кечирганда, қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, назаримизда, эртаклар поэтикасига оид айрим проблемалар эътибордан четда қолиб кетаётгандек туюлади. Бу ўзбек эртаклари ва эртакчилик санъати билан ҳар томонлама мукаммал таниш бўлмаслик оқибатида юзага келган муаммолардир. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз. Нашр этилган эртаклар тўпламлари орасида илмий-объектга олиб кириш учун турсин, ҳатто умуман ўзбек халқ эртаклари деб аташга арзимайдиган сохта материаллар, қўл урилиб бошдан-оёқ ўзгартириб юборилган эртаклар ҳам борки, улар эртакчилигимизни фальсификациялаштириш, сохталаштиришга «хизмат» қилади. Уларни эртакларга мутлақо алоқаси йўқ материаллар сифатида қаттиқ қораламоғимиз лозим. Кўпроқ нашр этилган ёки айрим фондлардаги эртаклар билан чегараланиб, оғзаки ижодиниг бу жанри соҳасида у ёки бу тарзда хулосага келиш, ҳатто, назарий хулосалар чиқариш, иккинчидан, эртакчи шахсияти, унинг ўзига хос бетакрор ижрочилик санъати ва маҳоратини етарлича баҳоламаслик, эртакчининг ижрочилик фаолияти борасида фольклористик кузатувларнинг камлиги ёҳуд

улардан бехабарлик, учинчидан, таҳлилнинг фольклористика фанидан йироқлиги, тўртинчидан, эртак матнига ёзма бадиий адабиёт намуналарига қандай муносабатда бўлинса, худди шундай позицияда баҳо бериш, бешинчидан, ўзбек эртаклари ҳақида фикр юритганда генетик жиҳатдан қардош тил оиласига мансуб бўлмаган эртаклар ҳақидаги назарий-илмий таҳлилга механик ёндашиш ва бошқалар эртакчилик соҳасидаги муҳим муаммолардандир. Конкрет айтганда, баъзи тадқиқотларда асосий изланиш ўзбек эртаклари юзасидан эмас, балки ёзма адабиёт намуналари хусусида бораётгандай туюлади. Шунингдек, гап ўзбек халқ эртаклари устидами ёки славян ва бошқа халқлар эртаклари ҳақида бораётибдими, бирдан англаб олиш қийин.

Шуни унутмаслик керакки, эртак устида фикр юритмоқчи бўлган тадқиқотчига эртакнинг ўзи бевосита бой материаллар бера олади. Тўғри, бошқа фанлар каби ўзбек эртакшунослиги ҳам, ўз қобиғига ўралиб, ўзга қардош халқлар тадқиқотчиларидан ўрганмай, таъсирланмай тараққий эта олмайди, албатта. Аммо, қиёсий-типологик ўрганиш, у ёки бу халқ ютуқларидан баҳраманд бўлишнинг ўзига яраша чегараси, меъёри, бўлиши лозим. Такрор айтамиз, бу нарса халқ оғзаки ижоди асарларини қиёсий-типологик асосида ўрганишни инкор этмайди.

Поэтика жуда кенг маънони билдирувчи тушунча бўлиб, фольклор жанрларида, хусусан, эртакда чуқур ва кўпқиррали маънони касб этади. Эртак жанрининг ўзига хос нафосати, қонуниятлари, жанр белгилари, шакл ва мазмун бирлиги, композицияси, сюжет қурилиши ҳамда фольклорнинг бошқа жанрлари билан алоқадорлиги, яшаши ва ижросининг фавқулодда ўзгачалиги кабилар эртак поэтикасига алоқадор бўлган проблемалардир.

Эртак поэтикаси даставвал, матндан ташқаридаги ҳолат, яъни эртак айтишга тайёргарлик, эртакчининг

Маълум ҳолатга кириши, жой тайёргарлиги, аудиториянинг психологик ҳолати ва состави, шунингдек, айтувчининг турли хатти-ҳаракати ҳамда руҳий кайфияти (мимика, пауза, интонация, поэтик такрор, воқеа-ҳодисаларга монанд турли ҳолатларга кириши, овозини маромга солиши ва ҳоказолар) кабиларни ҳам ўз ичига олади. Ана шулар ҳар томонлама ўрганилган ва илмий тадқиқ этилгандагина эртак поэтикаси борасида нисбатан мукаммалроқ фикр юритиш мумкин. Шу сабабдан ижрочининг санъати ва интонацияси туфайли биз эшитган ва эшитаётган, ёзиб олиниб чоп этилган ва чоп этилаётган эртакларда, шунингдек эртакчилигимизнинг ҳозирги кунга қадар яшаб келаётган жонли анъаналарида революцион ва шиддаткор замонамизнинг муҳри ҳам босилган. Демоқчимизки, илмий-техника инқилоби муайян даврларда яратилган эртакларда ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган, албатта. Натижада фольклорнинг бошқа жанрлари каби эртакларда ҳам турли ўзгаришлар, ҳар хил жараёнлар рўй беради.

Чунончи, айрим эртакчиларнинг етарли маҳоратга эга эмаслиги ва ноқобиллиги туфайли анъанавий ижро тажрибаларининг бузилиши натижасида мотивлар қоришуви, сюжет йўналишининг тарқоқлиги, мотивларни сакратишлик, эртакчи айтаётган эртаги сюжетини қисқартириши ва тезроқ тугатишга интилиши эртакларда-ги қадимий образлар ва ибораларни туширib қолдириш, тасвирнинг салбий маънодаги транформацияга учраши ҳолатлари, контаминация ва комбинация — ўта замонавийлаштириш ҳолатларининг кучайиши ҳоллари юз бермоқда. Демак, ҳаётдаги улкан ўзгаришлар, хусусан, фан-техника тараққиёти эртаклар текстига таъсир кўрсатибгина қолмай, унинг жараёнига ҳам салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Натижада, илгаригидек, «қирқ кечаю қирқ кундуз» эртак айтишлар, ёхуд «тунни кунга улаб ҳикоя қилишлар», эртак айтишга тайёргарлик кўриш ва айтиш жараёнида турли хил анъаналар,

расм-русмлар ва урф-одатларга амал қилишлар, устозшогирдлик анъаналари каби эртакчилигимизнинг муҳим компонентлари аста-секин йўқола боради. Китобий эртакларнинг анъанавий эртаклар ўрнини босишга интилиши каби ҳодисаларни ҳам чуқур ўрганмай туриб, эртакларнинг ҳозирги ҳолатини, анъана ва эртакчи маҳорати каби масалаларни илмий ёритиб бўлмаслиги аён.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқнинг эртакка бўлган муносабатини унга аталган атамалар, номлар, унга фавқулодда илиқ муносабат, турли хил урф-одатлар, расм-русмларида ҳам кўришимиз мумкин. Буларнинг баъзи бирлари қадимий тотемлар ва тушунчалар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бизгача сақланиб қолган, қолганлари эса халқнинг эртакка мўъжиза, сеҳрли восита сифатида қараганини билдиради. Чунончи эртакни сизлаш, уни бўлар-бўлмас дуч келган жойда айтмаслик, ундаги ҳар бир образга ҳурмат билан қараш, воқеа-ҳодисага эътибор бериш, ҳар бир жумлага эътибор билан қараш, умуман, эртак ва эртакчига самимий муносабат фикримизнинг исботидир. Ҳа, эртак катта сеҳр ва сафарбарлик кучига эга. Халқ эртакка қанчалик эътибор берган бўлса, унинг сеҳрли айтувчисига ҳам шунчалик иззат-икромда бўлган, эртакчиларни эъзозлаб ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйган. Халқимиз эртакни бир мўъжиза деб, унинг маҳоратли айтувчисини эса сеҳргар, деб билган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек халқи дунёдаги энг эртакни севувчи, қадрига етувчи, уни эъзозловчи халқлар сирасига киради. Ҳайратланарли жойи шундаки, эртак кириб бормаган, эртак айтилмайдиган хонадонининг ўзи йўқ. Халқимиз орасидан ҳеч бўлмаса иккиучта эртак айтиб юрмайдиган кишини топа олмаймиз. Ҳоҳ, эркак, ҳоҳ аёл, ҳоҳ бола, ҳоҳ кекса бирор бир эртак, афсона ёки ривоят билади, уларни айтади. Шунинг учун эртак бадиияти, хусусан, унинг поэтикаси

ҳақида сўз борганда, ўз репертуарида ўнлаб ёки ўн-ўн бешта ва ундан кўпроқ эртаклари бўлган профессионал эртакчи билан, бисотида бир-иккита эртаги бор ижрочининг бир-биридан фарқини ажрата билиш лозим. Бу фольклоршуносликда принципиал аҳамиятга эга.

Халқ орасида бевосита эртак термини ва эртак билан боғлиқ кўпдан-кўп мақол, матал ва афсоналарнинг, шунингдек эртакка аталган «От озиги билан, эртак магзи билан», «Достон кунда айтилади, эртак тунда» (Варианти: «Эртак тунда айтилса, қўшиқ кунда айтилади»), «Мақол — ақл, эртак — нақл», «Қўшиқ куйлатади, эртак эритади», «Ўшугимни ушитдим, қопларимни бўшатдим», «Чўпчакда гап кўп, эртакда ҳикмат», «Ўтрик сўзни ўткинчи дема» («Нуриддин отангни Исоқ эртакчингдан кам дема»), «Эртак эрмакмас, ҳар ким уни тўқий олмас», «Эртак эрмакмас, эртакчи оғзига келганни демас» каби ҳикматли сўз ва иборалар маъносига чуқурроқ эътибор берилса, уларда эртак ва эртакчилик санъатига оид қимматли маъноларни олиш мумкин.

Эртак ҳақидаги атамалар жойларда қанчалик кўп бўлмасин, улар орасида «эртак» термини жуда оммалашгандир. Бу термин мазкур жанрнинг ўзига хос барча фазилатларини мужассамлаштиради. Биз кўп йиллар давомида Ўзбекистоннинг турли жойларида яшовчи Нуриддин эртакчи, Бибисора Худойберган қизи, Тожихон Отабоева, Аброр ота Аҳмад ўғли (Наманган) Абдулла ота Умаров, Файзулла ота (Ленинобод), Мамажон Қурбонов (Андижон области), Бозор бобо (Бухоро), Абдувоҳид Мирзараҳимов (Андижон области), Машраб бобо (Андижон), Ҳасан Умаров (Қўқон), Муҳаммад Раҳим (Жарқўрғон), Ҳайдар Бойча ўғли (Янгиқўрғон), Имомали Эшмат ўғли (Наманган), Тожихон опа Насриддинова (Заркент), Раззоқ баҳши Қозоқбой ўғли (Пишқўрғон), Сотиболди ота (Чортоқ), Ҳайим бобо (Деҳқонобод), Ражаб шоир Нормурод ўғли (Тўдачорбог), Ҳазратқул баҳши Худойберган ўғли (Қамаши),

Эшмурод бобо (Денов), Зоҳир Қўчқор ўғли (Шаҳрисабз), Муродилла ота Зиёд ўғли (Чортоқ), Алим эртакчи (Янгиқўрғон райони), Хўжамберди Пўлатов (Янгиқўрғон райони), Хосият биби (Андижон области), Турсунбой ота Бобохон ўғли (Самарқанд), Нуриддин ота Адашбой ўғли (Наманган), Парпи ота Нажмиддин ўғли (Янгиқўрғон), Абдуқодир Раҳим ўғли (Қашқадарё) Тўра Тўполон, Жўрабой ота Тоштемиров, Музахфара ая Муллараҳимберди қизи, Алимжон Норматов, Мамаюсуф ота, Сиддиқ ота Йўлдошев (Ленинобод области, Панжикент район, Сўжана қишлоғи) каби эртакчи-ижрочилардан эртак ёзиб олиш жараёнидаги суҳбат ва орттирган тажрибаларимизда юқоридаги фикримизнинг гувоҳи бўлдик. Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин. Бу ҳол халқ ҳаётига эртакнинг қанчалик сингиб кетганини, халқ эртак айтмасдан, уни эшитмасдан тура олмаслигини англатади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, баъзи эртакчилар билан биринчи бор учрашганда, олдинига у ўзини эртак билмасликка солади, кейинча сизнинг ҳақиқий эртак мухлиси эканлигингизни билгач, эртак ҳақидаги энг яхши, самимий сўзларини бошлайди. Эртакни айтиш жараёни эса хилма-хил усулда, аммо маълум тартибда кечади. Шу жиҳатдан эртак айтиш жараёни айтишга тайёргарлик, яъни айтилувчи текстни ижро этиш, бунда турли хатти-ҳаракатлар қилиш, тингловчилар ва ижрочининг ўша пайтдаги ҳолати каби дастурларни ўз ичига олади. Баъзи эртакчи - олдинига бирон-бир мақол келтириб, кейин шу мақол мазмунига мос эртакни эслайди, шундан сўнг уни айтиш учун ўзини мослайди, яъни ҳолатга кира бошлайди. Шундай қилиб, эртак айтишга киришиш билан уни айта бошлаш ўртасида муҳим, айни чоқда, нозик психологик вазият мавжудки, уни пайқаб, олиш учун ўта зийраклик ва ҳушёрлик, маълум кўникма — тажриба талаб этилади. Борди-ю, ёзиб олувчи ана шу ҳолатларни тезда илғаб олиб, ундан

тўғри фойдалана билса, ўз мақсадига тез эришади. Акс ҳолда эртакчи эртак айтишдан ўзини тияди. Эртак бўйича олиб бораётган изланишларимиз жараёнида юқоридаги ҳолат билан боғлиқ қизиқ бир воқеа рўй берган эди: Наманган область, Учқургон районидаги Жийдакапа қишлоғида яшовчи Мирзаабдулла ота Ризаевдан эртак ёзиб олмоқчи бўлиб, унникига бордик. Эртакчи бизни яхши кутиб олди, аммо ниятимизни билгач, тўнини бутунлай тескари кийиб олди. Биз ҳам бўш келмадик. Ярим ҳазил, ярим чин гапларни айтиб, ялиниб-ёлвориб, охири кўндирдик. Мирзаабдулла ота Ризаев эртак айтишга тайёргарлик кўра бошлади. Буни биз англаб турардик. Аммо ҳамроҳларимиздан бири эртакчининг хатти-ҳаракати, ивирсилашига ва ўзича пичирлашидан ғаши келибми, нималардир демоқчи бўлардию, аммо журъат этолмасди. Бир пайт эртакчи саҳнага чиқиш олдидаги санъаткор актёр образига кирди. Овозида ҳам, нигоҳида ҳам, хатти-ҳаракати, қисқаси бутун ташқи қиёфасида фавқулодда ўзгариш содир бўлди. Эртак айтиш ҳолатига кирган ана шу пайтда ҳамроҳимизнинг: «Бўла қолинг-да, вақтимиз зиқ», деган ноўрин сўзи вазиятни ва эртакчи кайфиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Ғишт қолипдан кўчган эди, биз қанча ялиниб-ёлбормайлик, у эртак айтишдан бош тортди. Бизнинг барча уринишларимиз зое кетди, умидларимиз пучга чиқди. Наманган область Янгиқўрғон районидаги Ленин қишлоғида яшовчи юз йилдан ортиқ умр кўрган Устахол бобо биз билан суҳбатда шундай деган эди: «Одатда, отам эртаклардаги воқеаларга ишонтиришга ҳаракат қилардилар. Агар ўтирганлардан бирор кимса ботирнинг ҳаракатига, қилган ишига ишонмай: «Ёлғон, кичгинагина бола шундай ҳайбатли махлуқни енга оладими?— деса борми, ўша захоти уни даврадан чиқариб юборарди. Отам айтаётган уйдирма ҳикоясидаги қаҳрамонларга ёмонлик истамасдан, уларни ўз фарзандлари — биздек ҳурматларди...» Бу каби

вазиятлар қизилработлик Аброр ота ҳамда бухоролик Бозор бобо ва бошқа бир қатор эртакчиларда ҳам рўй берган эди. Бундай мисоллар эртак ёзиб олувчининггина эмас, балки тингловчиларнинг ҳам у ёки бу эртакчи билан мулоқот пайтларида ортиқча хатти-ҳаракатларга йўл қўймасдан, ноўрин сўз ёки луқмалардан ўзини тийиб, эртак айтиш ва эшитишга бир санъат деб қараб, унга чуқур ҳурмат билан ёндашишлари зарурлигини тақозо қилади.

Ёзиб олувчи эртакчини эртак айтишга кўндиргач, бошқа яна бир психологик ҳолат юзага келади. У энди ўз эртагини бошлашга тайёргарлик кўра бошлайди, жой ҳозирлайди. Бу турли ирим-сиримлар, ҳолатлар, буюмлар билан боғлиқ, буларни бевосита эртакчининг ўзи бошқаради. Ана шундай ўринларда биз магия, тотем каби қадимий тушунчалар билан боғлиқ вазият ва ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Жойлардаги изланишларимизнинг бирида қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлдик. Уста эртакчи сеҳрли-фантастик эртакларини айтиш учун махсус тайёргарлик кўрди: хона танлади, туйнук, эшик деразалар нур тушмайдиган ҳолда беркитилди, чироқ ўчирилиб, уй қоронғи ҳолатга келтирилди, кейин ҳаммамизни ўтқизиб, эртак айта бошлади. Эртакчининг овози ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам хонага мос сирли ва ғайриоддий бўлиб, ҳикоя қилинаётган эртакдаги қаҳрамонлар ва воқеаларга монанд руҳда эдики, бора-бора биз ўзимизни тилга олинаётган образлар, воқеа-ҳодисаларга «аралашиб» кетаётгандек ҳис қила бошладик. Бундай ҳолат юқорида номи қайд этилган Аброрхон Аҳмедовнинг хонадонида рўй берди. Эрталабгача шу ҳолатда эртак айтиш давом этди. Тонг отди. Биз хонанинг тангадек нур кирмайдиган ҳолатга келтирилиши сабабини сўраганимизда, эртакчи:

— Биринчидан, бирор-бир техник қолса, инсу жинслар кириб, келиб, қўрқитмасин-да, иккинчидан, шундай қилмаганимда аждар овози, ялмоғиз чийиллашини

эшитмаган бўлар эдиларинг, учинчидан, эртагимдаги девлар сизларга зиён-заҳмати етказмасин, дедим,— деб жавоб берди. Кейин «эртак одатда кечаси айтилади, агар кундуз куни айтилса, ёмон бўлади», деган жумланинг изоҳини ҳам сўрадик. Аброрхон ота жавоб бермади, мийиғида кулиб қўя қолди, холос. Фикримизча, эртакнинг кўпроқ кечаси айтилиш анъанаси ота-боболаримизнинг меҳнатга муносабати, иш вақтининг қадрига етиш, узоқ тунларни беҳуда ғафлатда ўтказмаслик каби ижтимоий моҳият касб этувчи муаммолар билан алоқадор бўлса керак. Айни пайтда керакли вазият ёки манзара пайдо қилиш, сўз сеҳрини кучайтириш, эртак мантиқига тингловчини ишонтириш кабилар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шу ўринда Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс колхозида яшовчи 82 ёшли Парпи ота Нажмиддиновнинг ўз устози Усар эртакчи ҳақидаги хотирасини келтириш мақсадга мувофиқдир.

— Усар бобо дилидан чиқмаса эртак айтмасди, қуйма қулоқ, зеҳни булоқ эди. У сон-саноқсиз эртак биларди, қирқ кеча, қирқ кундуз ҳикоя қилса ҳам эртаги тугамасди. Раҳматлик: «Эртагим бир туясандиқ», дерди. Бир айтганини иккинчи маротаба айтмасди. Яна шуниси бор эдики, эртагини кундуз куни сираям айтмасди, кечаси айтарди. «Нега кундуз куни айтмайсиз?» деб сўраганимда: «Қўй, сўрама, эртакни кундуз айтса ёмон бўлади», дерди раҳматлик. Усар бобонинг эртаклари икки пайтда бамисоли булоқдай қайнарди. Бири адирга қайроқи юлгани чиққанимизда, иккинчиси қишнинг узоқ тунлари... Қайроқи буғдойни юлгани ҳашарга чиққанларни қатор тизиб қўйиб, эртагини бошларди. Айтгани-айтган эди! Биз унинг эртагини эшитиб, чарчаш нималигини билмасдан, то тонг отиб, қуёш чиқиб қизита бошлагунча лалми юлардик. Бир эртагини тугатиб: «Э, мана буниси ғалатироқ байт», деб бошқасини бошларди. Шундай қилиб, Усар эртакчининг ҳикояларига берилиб кетиб, катта-катта пайкалларнинг лалмисини юлиб қўйганимизни ҳам билмай қолардик. Қишда, сандал атрофида-ку, бамисоли сеҳрлаб олиб, қоқ-ҳан қозиқдек қилиб қўярди.

Бошқа эртакчилар билан иш олиб борганимизда янада ўзгача ҳолатни кузатдик. Тилла буви, Тожихон опа Ортиқова ҳамда Бибисора Худойберган қизи эртак айтишганда сандалга шам ёқиб, бир косада сув қўйишди. Кейин косадаги сувга озгина оқ пахта солишди. Шундан сўнггина эртакларини бошлашди. Бунинг сабабини сўраганимизда, улар девлар, парилар, жодугарлар тағин кириб келмасин, сизларни қўрқитмасин, зиён-захмат етказмасин-да, ялмоғиз келса шамни кўриб уйга кирмайди, бошқалари бўлса сувдан қочишади, дейишди. Эртакда номи тилга олинган дев, аждар, пари ўчоқда олов ёниб, тутуни чиқиб турмаса, мўридан тушар эмиш, тутун буруқсаб турса, ёвуз кучлар уйга кира олмас эмиш. Бундай ҳолатлар, шунингдек, эртак айтганда, эшикни маҳкам танбалаб қўйиш, ўчоққа олов ёқиб, тўйнукдан тутун чиқариш, шундоққина ёнига ошпичоқ, нон, туз, қалампир, тош, кесак, тупроқ, лой, тиконли гул ва бошқалар қўйишлар ҳам қадимий эътиқодларнинг акс-садоси ҳамда эртакчи шахсияти, дунёқараши ҳамда унинг сув ва бошқа нарсалар сеҳрига ишониши, тингловчини ҳам унга ишонтира билиши каби дастурлар билан алоқадор тушунчалардир.

«... Қамашининг Камайида,— дейди биз билан суҳбатда халқ маорифи аълочиси, бахши Ҳазратқул Худойберган ўғли,— ўтмишда эртакчилар мактаби бўлган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Бу ерда ўнлаб уста эртакчилар етишиб чиққан, уларнинг кўп эртакларни билишлари, уларни жуда яхши айтишлари қўшни қишлоқларга ҳам овоза бўлган. Камайда эртакчилик анъанасининг қанчалик кучли бўлганлигини бизнинг кунларимизгача етиб келган эртакчилар репертуарлари ҳамда эртак айтиш маҳоратидан пайқаб олиш қийин эмас. Бунинг учун Йўлдош бобо Холматов, Хадича буви Мўми-

нова ва бошқаларни эслаш кифоя. Йўлдош бобо эртакчини шахсан танир эдик, тунни тонгга улаб эртак айтганининг кўп марта шоҳиди бўлганмиз. У эллигинчи йилларда тахминан 80 ёшларида вафот этди. Йўлдош эртакчи 100 дан ортиқ ҳар хил мавзудаги эртакларни билар, уларни эл орасида жуда ҳам қизиқарли айтар эди. Бир айтганини иккинчи бор такрорлаганини билмаймиз. Йўлдош ота олдидан одам аримасди, эртак айттиришгани-айттиришган эди. Қамайлик яна бир эртакчи Хадича буви Мўминова олдига тушадиган эртакчи умуман бўлмаган, дейиш мумкин. Хадича бувининг кўзи ожиз бўлиб, 120 дан ортиқ эртакни ёд биларди. У эртагини бошладими, олдида суткалаб қолиб кетганингни билмай қолардинг. Эртакни шундай айтар эдики, ҳар қандай тингловчини лол қилиб қўярди. Эртакда бузоқ, қўй-қўзининг маъраши, шамолнинг увиллаши, дов-дарахтларнинг қисирлашини гўё эшитиб турардик. Турли ҳайвонларга ўхшаб овоз чиқарарди, уларнинг турфа қилиқларини шундоққина кўз олдингизга келтирарди-қўярди. Дев, ялмоғиз, аждарҳоларни ҳеч қаерда эшитмаган овоз билан чақиртирарди. Хадича бувининг эртаклари, айниқса, Улуғ Ватан уруши даврида асқотди. Ўша пайтларда қишлоғимизда эри ёки ўғли урушга кетмаган хонадон деярли йўқ эди. Хоҳ ёш, хоҳ қари ғам-гуссасини енгиллатиш, таскин топиш учун узоқ тунлар Хадича бувиникига тўпланишиб, эртак тинглашарди. Хадича буви эртаклар айтиб, келган кишиларни гоҳ кулдирар, гоҳ йиғлатарди. Куни билан меҳнат қилган қишлоқ кишилари чарчоқларини ёзиш, ҳордиқ чиқариш учун Хадича бувиникига келишарди. Момо эртагини ҳафталаб айтса ҳам тугамасди. У 1945 йили вафот этди. Момодан ҳеч қандай эртак ёзиб олинмаган. Ўз замонаси туфайли ҳеч қандай маълумот ололмай гирт саводсиз қолган бундай кишиларнинг ўнлаб эртакларни ёддан билиши ва маҳорат билан айтишлари кишини ҳайратга солади. Шундай қилиб, жойлардаги профес-

сионал эртакчилар билан иш олиб борганимизда, юқорида қисман тилга олиб ўтганимиздек, улар эртак айтиш билан боғлиқ турлича одатлар, удумлар, расм-русумлар, қонда ва анъаналарга чуқур амал қилишлари билан бир қаторда, эртак айтиш жараёнида улкан санъаткор эканликларини ҳам намойиш этганларининг шоҳиди бўлдик.

Сўжана қишлоғида (Ленинобод области) истиқомат қилувчи эртакчи 80 яшар Мамаюсуф ота билан учрашиб, ундан эртаклар ёзиб олган пайтимизда унинг эртак айтиш маҳорати, санъаткорлик истеъдодига ҳам қойил қолдик.

Ялмоғиз кампирнинг шўрва солинган қозон тагига пуфлашини, унинг вақирлаб қайнашини, чойдишдаги сувнинг вақир-вуқурини оғзида, ҳатто ҳаракатлар воситасида шундай боплаб ифодалардики, оғзинг очилиб қоларди. Қаршимизда моҳир актёр, ажойиб тақлидчи, зўр ҳикоячи турар эди. Сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари, қарашлари, имо-ишоралари билан дам кулдирар, дам чуқур ўйга толдирарди, баъзан эса, кўзимиздан ёш чиққанини ўзимиз ҳам сезмай қолардик.

Шундай қилиб, эртак жанрини ўрганганда эртакчи шахсини четда қолдириш асло мумкин эмас, чунки эртакчи халқимиз томонидан яратилган бебаҳо бадиий хазина — оғзаки насрнинг ўнлаб, ҳатто юзлаб намуналарини сақлаб келиш, элга манзур бўларли даражада айтиб бериш, бойитиб бориш соҳасида холисона хизмат қилибгина қолмасдан, у *(биз бунда етук санъаткор эртакчиларни кўзда тутамиз. Муаллифлар.)* том маънодаги импровизатор ижодкор ҳамдир. Шу боисдан ҳам, такрор айтамиз, эртакларни ёзиб олиб ўрганганда эртакчи шахсияти, санъати, ижодкорлик ва ижрочилик маҳоратига ҳам алоҳида диққат бериш, унинг бадиий тафаккур бобидаги ўрнини белгилаш лозим. Юқорида «Эртакчилар мактаби» терминини қўлладик. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг турли жойларида эртакчиларнинг

ўзига хос мактаблари бўлган. Уларда устоз шогирд тайёрлашдан тортиб, эртакка чуқур ҳурмат билан қараш, унга эътиқодда бўлиш, эртакни ўрганиш, айтиш каби эртак, эртакчи шахси ва эртак айтиш санъати билан боғлиқ бир қатор масалалар ишлаб чиқилган. Бу соҳадаги ютуқлар умумлаштирилиб, камчиликлар рўй-рост очиб ташланган. Бу фактни алоҳида ўрганиш ниҳоятда зарур ва керакли. Эртакчи маҳоратини у айтаётган эртакнинг бошламасидаёқ пайқаб олиш қийин эмас. Моҳир эртакчи шу бошламадаёқ тингловчи, ўзи ва эртак ўртасидаги руҳий муносабатни сўз кучи ва хатти-ҳаракат билан жиловлаб олади, ўртадаги «бегоналик» пардасини олиб ташлайди. Эртакчи ҳам худди достончи — баҳши каби бошламадаёқ тингловчини сеҳрлар, уни бутун борлиғи билан эртак тинглашга жалб қилар экан, уни эртак хулосасигача тор ипидек таранг ушлаб тура олади. Эртакчининг муҳим бадиий тасвир ва эмоционал таъсир воситаларидан бири, демак, зачин бўлиб, у эртак поэтикасида муҳим роль ўйнайди. Айни шу зачиндаёқ эшитувчи эртакнинг асосий моҳияти ва сеҳр кучига жалб этилади. Шу жиҳатдан биз учрашган моҳир эртакчилар томонидан айтилган зачинлар ҳаётийлиги, эмоционал таъсир кучи, тингловчини ўзига тортиши, сўз ўйини, эртакнинг сеҳрли оламига олиб кириши, табиат ва ҳайвонот дунёсига оид мўъжизалар билан боғлиқ турли хил воқеа-ҳодисаларга бойлиги, қисқаси, тугалланган поэтик шаклга эгалиги билан ажралиб туради.

«Эртагим эртак, бекорчига эрмак, мағзини чаққанга жудаям керак». (Бибисора Худойберган қизи, Наманган, Янгиқўрғон.).

«Айт дединг айтайин, айтмай кетайин. Ишга чаққон, сўзга чечанман, эртагимни кўп боққанман: учқур отдек тобланди, семиз қўйдек семирди» (Қоравой ота, Андижон, Чайтопмас қишлоғи).

«Бувим айтарди: эртак эртаги, эчкиларнинг буртаги,

шайтон қизил экан, думи узун экан. Қизилиштон тақиллабди, мусича ку-кулабди, қарқиноқ какарлабди, майна қайқ-қийқилабди. Бор экан-да, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан, қадим-қадим замонларда гознинг касби карнайчи экан, ўрдак бўлса сурнайчи экан, олақарға азончи, қора қарға қозончи экан, чумчуқ бўлса чақимчи экан, тўрғай боқимчи экан, тулки ясовул экан, қирговул қоровул экан, қалдирғоч нуқул эшикни оч-оч деркан, чумчуқ ваҳмачи — чиқ-чириқ, бедана битбилдиқ, каклик как-какулашда экан. От учқур, қўй ювош, эчки эзма, товуқ шаллақи, қақажон хўроз унинг тиззасида ўлтириб, маза қилиб мудроқ отай, деркан, кучук бўлса: «Эгамнинг боласи кўпайсин, улар қўлидаги нонни олиб қочиб, маза қилиб еб қорнимни тўйғазиб юрай», дер экан. (Нуриддин ота, Наманган шаҳари).

«Бу ҳикояни дадамдан эшитганман, дадам дадасидан эшитган экан, дадаси дадасидан эшитган, у ҳам ўз дадасидан эшитган экан. Эртак эмас, ўтирик экан, ўтирик эмас, чўпчак экан. Ўша вақтдаги юртлардан бирида бир элат яшар экан». (Ҳайдар Бойча ўғли, Наманган, Говозон).

«Ўтган замонда дов-дарахтлар, қуш-қумурсқалар ҳам гаплашишар экан. Дарё тоғлар, тепаю дўнгликлар ҳам одам гапига тушунишаркан. Шунақа замон бўлган экан-да! Ана шунақа замонларнинг замонида бир чол билан бир кампир яшаган экан». (Аброрхон ота Аҳмедов, Наманган, Қизилработ).

«Эртагимнинг эби бор, етти кунли ери бор. Етти кунлик ерида думи калта ёлдор бўри бор. Бўрига яқин бир жойда қора қўй бор. Бўри еб қўймасин, деб қўрқаркан, қўй, олапар дўстига айтиб талатмасмикан, деб бўри қўрқаркан. Айтганларимнинг бири ёлғон, бири чин, керагини ўзинг билиб ол. Ана энди эртагимни бошладим, бошқа гапимни ташладим. Ош ошаттирган ҳам эртагим, бош қашиттирган ҳам эртагим. Эртагимни боқайин, чўққингизни гулдай тақайин. Бурунги

ўтган замонда, эл омон-омон бўлганда, қир-адир буғдойга тўлганда, ариқларда сув ўрнига шарбат оққанда, ота болага, бола отага боққанда, бир кампир билан бир чол ёшини яшаб, ошини ошаб ўтган экан...» (Абдусаттор Қаюмов, Фарғона область, Қўқон шаҳри).

Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо улардан келиб чиқиб, бир нарсани таъкидлаб ўтишни истар эдик. Зачинлар узун ё қисқалиги, улардаги фикрларнинг парокандалиги ё ихчамлиги, тарихийлик ва замонавийлик, конкретлик ва мавҳумлик, манзаравийлик ва тавсифсизлик, эпиклик ва сиқиқлик, шунингдек, фавқулодда сўз ўйинига бойлиги, сўзлар ва товушлар тақлидга мойиллиги, лексик-семантик жиҳатдан мустаҳкам конструкцияга эгалиги, жарангдорлик, мусиқийлик ва эмоционаллик каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Аммо бу ҳол кўпроқ Фарғона водийси эртакларига хос бўлиб, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида кўпинча зачин жуда ҳам қисқа бўлиб, «Бор экан-да, йўқ экан, ўтган замонда бир чол билан кампир ўтган экан», каби жумлалардан тузилиб қўя қолинади.

Шундай қилиб, юқорида қисман айтиб ўтганимиздек, эртаклардаги профессионаллик, устоз кўрган-кўрмаганлиги у айтаётган эртакнинг бошламасидаёқ маълум бўлади. Эртак бошламаларидан келиб чиқиб, эртак поэтикаси, жанр хусусиятлари, ғоявий-бадиий моҳияти, эртакчи маҳорати тўғрисида биз ўйлагандан кўра кенгроқ планда фикр юритиш мумкин. Кези келганда яна бир мисол келтирамиз. Биз бошлама борасида эртакчиларга савол билан мурожаат қилдик. «Шунча сўзнинг нима кераги бор, тўппа-тўғри эртакка ўтиб кетавермайсизми?— деган саволимизга машҳур эртакчи Мирзаабдулла ота шундай деб жавоб берди:

— Эртакни шундоқ айтиб кетаверсангиз, унчалик қизиғи бўлмайди. Ўтирганларга маъқул бўладиган ҳолда айтмоқ керак. Бунда ҳаммага таниш: «Бир бор экан, бир йўқ экан» сўзи жудаям қўл келади. Шуни айта

бошладингми, ҳамманинг қулоғи динг бўлади. «Қани, эртакчимиз нимани айтар экан», деб атрофингда ўтирганлар дадиллашади, гап-сўзини йиғиштиради, ўзини ўнглаб ола бошлайди. Ана ундан кейин сўзларингни шодадек бир ипга тизаверасан.

Юқоридаги саволимизга ленинободлик Абдулла ота Умаров шундай жавоб қайтарди:

— «Бир бор экан, бир йўқ экан», дея, гап бошлаган эртакчи ўтирганларда қизиқиш уйғотиб, дарров уларнинг фикрини жалб қилиб олади. Шу сўздан бошлабоқ кишилар сенинг оғзингга термилиб, ҳар бир гапингни жон қулоғи билан тинглашга тушиб кетадилар. Мен эртак бошласам, «Бир бор экан, бир йўқ экан» сўзи билан бошлайман, бу сўзни айтмасам, эртагимни бошлай олмайман.

«Бор экан-да, йўқ экан»ни ҳар киши ҳар хил қилиб айтади. Биров тозаям чўзиб юборади. Аммо шундай чўзиб юбориш ҳам қизиқ бўлади. Баъзилар қисқа қилиб айтади. Аммо бир нарсага аминмизки, чўзиб айтганда ҳам, қисқа қилиб айтганда ҳам, унинг эртакда ўрни бор. Айтайлик, ён-атрофингда ўнлаб кишилар сенга тикилиб эртагингни эшитмоқчи бўлиб туришганда, сен: «Бир бор экан, бир йўқ экан», деб бошламай, шунчаки қуруқ, ҳиссиз гап билан томдан тараша тушгандай ҳикоянгни бошлаб юборсанг, ўтирганларнинг ҳафсаласини пир қилиб, даврани совутиб юборасан. Давра совудими, айтаётган эртагингнинг таъсири бўлмайди, одамларнинг қизиқиши ҳам сўнади...»,— деди юқоридаги саволимизга жавобан вобкентлик эртакчи Бозор бобо Жума ўғли.

Бу гапларда жон бор, албатта.

Эртак поэтикасида муҳим ўрин тутувчи бошламаларни ҳар томонлама ўрганмоқ халқ оғзаки ижоди поэтикаси учунгина эмас, балки тил жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эртак поэтикасида эртакчининг эртак айтишдаги

ҳолати, хатти-ҳаракати, образга кириши, сўз бойлиги, чечанлиги, топқирлиги, индивидуал ижро услуби, нутқ маданияти, овоз товланиши, аудитория билан алоқаси, эртакдаги образлар, буюмлар, нарса-ҳодисаларга нисбатан тақлидий муносабатда бўлиши тингловчиларнинг руҳий ҳолати ва психологик хусусиятларни эътиборга олиши, бадиҳагўйлиги ва ҳофизан қуввати каби дастурлар билан ҳам белгиланадики, фольклор изланишларида бўлганимизда, бошқа фольклоршунослар каби буларга ёркин мисол бўла оладиган жуда кўп фактларга дуч келдик. Бу хусусда бир-икки мисол келтириш билан кифояланамиз.

— Маҳалламизда жуда қартайган бир эртакчи кампир бўларди,— деб ҳикоя қилади Бибисора Худойберган қизи.— Уни Отин Тилла бувн дейишарди, эртак айтишга жуда уста эди. Биз кўпчилик бўлиб, унинг уйига бориб, сандалда ўтириб, аллақанча вақтга қадар эртак эшитар эдик. Момо эртак айтаётиб дам кулар, дам хириллар, дам йиғламсирарди. Эртакдаги девлар, парилар, алвасти ва маккорларга шундай муқояса қилардики, тинглаётганлар, айниқса, болалар чинакамига даҳшатга тушиб, бир-бирларининг пинжига тиқилишар, қалтирай бошлашарди.

Бибисора Худойберган қизи эртак айтаётганда, унда иштирок этувчи қаҳрамонларга, хоҳ инсон, хоҳ ҳайвон бўлсин, шунчалик тақлид қилардики, уни тинглаб, ҳайратга тушардик. Масалан, ориқ кишини ориқчасига, семиз кишини семизчасига гапиртириб, ҳаракатлантириб, шундоққина киши кўз олдига келтириб қўяди. Бир томонимизда ориқ киши, иккинчи томонимизда йўғон — семиз киши ўтиргандек ҳис қилардик ўзимизни. Эртак давомида эртакчининг сўз оҳанги, тақлиди, хатти-ҳаракатидан тоғларнинг гумбурлаб ёрилиши, дарёнинг шовқини, ариқдаги сувнинг шилдираб оқиши, боғдаги гул барглариниг шитирлаши, қушларнинг ҳанот қоқиши, ялмоғиз тишининг тақиллашию ҳуштакнинг овозини

эшитиб тургандек бўлардик. Девнинг увуллашидан тортиб айиқнинг бўкиришигача, илоннинг вишиллашию, бойўғлининг ғайри-табиий укулашигача айнан тақлид қилар эди эртакчи. У гоҳ эртакдаги аёл образига тақлидан ўйинга тушар, маликага хос ноз-карашма қилар, гоҳо тунда ухламай боласига қараган она қиёфасига кирар, мастон кампирнинг ўзи бўлар, айни чоғда ялмоғиз билан олишаётган, девни қувиб бораётган ёхуд подшо шартини бажармоқчи бўлиб кураш тушаётган Барчинойдек жасур қизнинг хатти-ҳаракатини кўз олдимизда намоён этарди. Бибисора Худойберган қизининг овоз-нутқ товланиши, актёрлик қобилияти, тақлидгўйлиги, импровизациясини кўриб қойил қолардик. Тожихон Ортиқова, Тожихон Аҳмедова, Нуриддин Адашбой ўғли, Мирабдулла Ризаев, Ҳайдар ота (Ҳайдар шашкалчи), Бозор Жума ўғли, Машраб бобо, Аброр ота Аҳмедов ва бошқа эртакчиларнинг эртак айтиш пайтидаги ҳолатга киришларини, бамисоли эртак қаҳрамонларига айланиб кетишларини кўрсангиз эди! Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, ўзига хос такрорланмас санъаткор!

Умрининг кўп қисмини Қирғизистоннинг Олабуқа, Қаровон районларида турли касб-корларда ўтказган ўзбек эртакчиси Ҳайдар ота (лақаби «шашкалчи» бўлиб, аслида ҳечам шашкал ўйнамаган) билан бўлиб, ундан эртаклар ёзиб олганимизда, бу санъаткорнинг эртак айтиш маҳоратига онд қайдларни қоғозга тушириш асло мумкин эмаслигини англадик. Фақат уни магнитафон лентаси орқали ёхуд ҳужжатли кино тили билан ҳикоя қилиш мумкин, холос. Ҳайдар ота айғирнинг кишнаши, биялар тўдасининг уёқдан-буёққа чопиб, бир ерга тўпланишини, баҳайбат бургутнинг қанотларини ёзиб, ўлжасига ўқдек ташланишини, қийғирнинг қояда ҳурпайиб ўтиришини, тўлқиннинг тарқалиши, сичқоннинг юзини ювиши, мўйловини силаши, пусиб ётиши, мушук ва овчининг ўлжасини, ўз овини пана жойда пойлаши,

бўрининг увлаши, отининг кўнгилсиз ҳодисани сезгандаги ҳолати, тоғдан тошнинг қулашидаги овози, унинг акс-садоси ва ҳоказоларни овоз, хатти-ҳаракат, характер ва мимика воситасида кўрсатганда халқ ижодкорлари, шу жумладан, эртакчилар маҳорати қанчалик кучли ва таъсирчанлигига тан бермай илож йўқ.

Мана, яна бир эртакчи маҳоратидан бир шингил:

Бухоро область Вобкент районидаги Хажувон қишлоғида яшовчи машҳур эртакчи Бозор бобо ҳузуридамиз. У эртак айтмоқда. Эртакчи бамисоли айтаётган эртагидаги воқеалар, қаҳрамонлар орасида юргандек. У турли ҳаракатлар қилар, ўрни келганда икки қўлини ерга томон чўзиб, осмонга қараб кўтарарди. Баъзан ўрнидан туриб ҳам кетарди. Эртакда отнинг ҳаракати келиб қолса, ер тепинади, кишнайди. Айиқ ҳақида гап кетганда айиқ бўлиб бўкиришини, бўри бўлса бўри бўлиб увлашини, мушук бўлиб миёвлашини, сичқон бўлса чийиллашини, илон бўлса вишиллашини кўриб ҳайрон қолдик. Хуллас, эртакни шартли равишда драматик асар дейиладиган бўлса, эртакчи бир зумда турли қиёфага кира олувчи моҳир актёрдир. Бозор бобонинг сўзларига қараганда, унинг отаси эртак айтаётганда тингловчиларни турли ҳолатга сола олар, гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатаркан. «Бундай уста эртакчилардан эртак тинглашнинг ўзи бир бахт,— деди у,— мен улар эртак айтганларида пашша учса эшитилганини, кулгидан қаҳқаҳадан хона ларзага келганини, бехтиёр кўзларига ёш олинганини кўп кўрганман». Шу жиҳатдан қараганда, эртак поэтикасида муҳим ўрин тутувчи моментлардан бири — эртак айтувчининг аудитория билан контакт ўрната билиши ва мулоқат мувозанатини сақлашида ҳам намоён бўлади. Одатда, уста эртакчи айтаётган эртагига чуқур ҳурмат ва садоқатда бўлибгина қолмай, тингловчига ҳам самимият билан қарамоғи лозим. Айни чоқда, тингловчи айтилаётган эртакка ва эртакчига катта ҳурмат ва ихлос қўйган бўлиши, у эртакни жон

қулоғи билан тингламоғи, эртакчининг оўзини бўлиб, луқма ташламаслиги ёхуд беҳуда хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда, эртакчининг фикри бўлиниб, тингловчи ё унинг эътиборига йўлиқади ёхуд эртак эшитишдан умуман маҳрум бўлади.

Эртакчи ва тингловчи ўртасидаги мустаҳкам алоқа эртакнинг мукаммал айтилишига, тингловчига етиб боришига ва ғоявий-бадиий юксаклигини сақлашга ёрдам беради. Шу боисдан эртакчининг ўзи ҳам эртак айтаётганда тингловчининг луқма ташлашига ёки ўзини тута олмай, ноўрин хатти-ҳаракатга берилишига асло йўл қўймайди. Агар шундай ҳолат рўй берса, тингловчи ким бўлишидан қатъи назар, даврадан ҳайдаб чиқаради. Бундай пайтларда эртак мотивларини сақратиш, сюжетни қисқартириш, уни дард билан айтмай, шунчаки айтиб бера қолиш ҳоллари ҳам рўй бериши мумкин.

Жийдакапалик Мирзаабдулла отадан Чортоқда эртаклар ёзиб олинаётган кунларнинг бири. У кўзини юмиб олиб, берилиб эртак айтар, ҳамма нафасини ичига ютиб, мароқ билан тинглар эди. Бир пайт Н. исмли дўстимиз жойидан сурилиб, даврада ўтирган бир кишига яқинроқ борди-да, унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Шунда ҳеч кутилмаган воқеа содир бўлди: эртакчи эртагини тўхтатди-да, шивирлашган кишиларнинг уйдан чиқиб кетишларини, акс ҳолда эртак айтишни тугатиб, қишлоғига жўнаб қолишини айтиб қолса бўладими!

«Гуноҳкорлар» қанчалик ялиниб-ёлборишмасин, эртакчи ўз сўзида туриб олди. Улар чиқиб кетгандан кейин ҳам Мирзаабдулла ота анчагача эртак айтмай ўйланиб ўтирди, кейин айта бошлади. Аммо эртак юракдан чиқмаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Эртакчи айтаётган эртагидаги воқеа-ҳодисаларга, образлар, махлуқлар хатти-ҳаракатига, тасвирига олинган жойларнинг (улар қанчалик ғайритабиий ва сеҳрли-фантастик бўлмасин) ҳаётийлиги, бўлиб ўтгани ёки

мавжудлиги мантиқига ишонади, унга эътиқодда бўлади. Шунингдек, тингловчини ҳам бунга ишонтиришга, ўз хаёлий тасаввурларини уларнинг ҳам эътиқодига сингдиришга ҳаракат қилади. Машҳур эртакчи учун ўз репертуаридаги эртакларда кечадиган фантастик воқеалар ҳамда гайриоддий образлар тасвирига тингловчининг ишонмаслигидан ҳам ортиқроқ фожиа йўқ, дейиш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир эртак текстининг жонли оғзаки анъаналарда яшаган «ҳаёти»нинг бир қисми, яъни фақат текстдангина иборатдир. Эртак ёзиб олинаётган (магнитафон лентасига кўчириш бундан истисно) унинг ижроси жараёнидаги эртакчининг ҳолати, бадиҳагўйлиги, хатти-ҳаракатлари, аудиториянинг эртак ва эртакчига муносабати, эртакдаги товушлар товланиши, традицион ранглар, мусиқийлик, тақлидий ҳолатлар ва бошқа бир қатор поэтик воситалар ўз-ўзидан тушиб қолиши табиийдир. Ҳар қандай фольклор асарида бўлгани каби, эртакларнинг ўзига хос қирралари фазилатлари аксарият ҳолларда, жонли анъаналарда яшашида, яъни ижрода намоён бўлади, бамисоли жилоланади. Ёзиб олинаётган ёхуд нашр этилаётган текстларда бундай хусусиятларга путур етади, албатта. Чунки қогозга тушган текст қанчалик зўр бўлмасин жонли жараён эмас, албатта. Демак, унда эртакнинг ижодий ижро этилаётгандаги нафосати, жозибаси, латофати, қисқаси, эмоционал-эстетик таъсир кучи деярли йўқолиб, фақат ялангоч бадиий текстнинг ўзигина сақланиб қолади, холос. Ваҳоланки, эртак ўз ижроси билан тўлақонли санъат, санъат бўлганда ҳам халқ дили, тили ва тафаккурининг бамисоли ойнаси бўлган юксак санъат. Шунга қарамай, чоп этилган эртаклар ҳам кишига олам-олам қувонч бағишлаши, маънавий озуқа, эстетик завқ-шавқ бериши лозим. Чунки у, буюк мутафаккир Карл Маркс ибораси билан айтганда, қайта

такрорланмайдиган ажойиб бадиий ёдгорликлардан бўлиб қолиши билан бебаҳодир.

Эртак тексти ҳақида сўз борганда, поэтик элементлар, сюжет, мотив, образ, бадиий тасвир ва эмоционал воситалар, композицион қурилиш кабилар билан бир қаторда эртак сюжетларида эртакчи шахсининг иштироки, турли хил анъанавий ўринлар — медиал, инциал ва финал формулалар, яъни воқеаларни бир-бирига боғловчи ёхуд якунловчи, эртакчининг сюжет воқеаларига актив аралашуви натижасида юзага келувчи жумлалар, парчаларга ҳам алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Чунки, бундай ўринлар эртак сюжетидаги воқеалар мувозанатини сақлаш, фантастик мотивларни мантиқан асослаш, образлар таъсирчанлигини кучайтириш, тингловчи диққат-эътиборини бир мақсадга йўналтиришга эришиш, эртак воқеаларига бадиий тон бериш, тингловчи диққат-эътиборини бир мақсадга йўналтиришда эртакчи маҳорати қирраларини очишда қўшимча бадиий компонентлардан саналади. Эртакларда учрайдиган: «Ана энди акани йўлда кетишда қўяйлик-да, гапни кенжа ботирдан эшитайлик», «Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди», «Ана энди малика нима дебди денг?» «Калин шу ерга қўйиб турайлик-да, икки оғиз гапни подшодан эшитайлик», «Энди тонг отай деб қолди, биз ҳам чарчадик, қолгани эртага», «Ўша тўйда биз ҳам бор эдик», «Ўзи, ўша замонда шунақа экан», «Сизга ёлғон-у, менга чин», «Эй, мақтайвериб қаерга ҳам борардик» каби юзаки қаралганда эртак сюжетига умуман алоқаси йўқдай кўринувчи жумла ва иборалар ҳам эртакчининг ижодий чекинишлари тариқасида эртаклар поэтикасида алоҳида ўрин тутиб, маълум вазифани бажарадилар.

Эртакшунослар диққатини жалб қиладиган яна бир муҳим масала борки, кўпинча биз уни унутиб қўямиз. Чунончи, эртаклар ҳақида сўз борар экан, Фарғона водийсида тарқалган эртаклар билан Зарафшон воҳа-

си ёхуд Қашқадарё ва Сурхондарёда айтилувчи эртакларнинг умуммиллий ҳамда локал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш принципиал аҳамиятга эга. Одатда шундай бўлмоқдаки, эртакка бағишланган илмий тадқиқотларда у ёки бу эртак Самарқандда ёзиб олинганми ёки Намангандами, шаҳарда тўпланганми ёхуд қишлоқдами, саводли киши айтганми ёки саводсиз кишими, мазкур материал чорвадорлар орасида айтилганми ёки деҳқонлар орасидами — ажратиш қийин. Бу проблемани ҳал қилишда ҳам эртак тексти билан бир қаторда, эртакчининг шахси, ёзиб олувчининг тайёргарлиги муҳим роль ўйнайди. Биз эртакларнинг умумий ўхшашликлари билан бир қаторда воҳаларо бир-биридан фарқланишларини, айрим ҳолларда ўзбек — тожик, ўзбек — қирғиз, ўзбек — қорақалпоқ, ўзбек — қозоқ, ўзбек — уйғур, ўзбек — туркман халқлари аралаш ҳолда яшаётган жойларда янада кўпроқ фарқланишларини кузатдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эртаклар ҳам айнан такрорланмайди, уста эртакчи айни вақтда ижодкор импровизатор сифатида аудиторияга қараб турли-туман драматик ҳаракатлар қилар экан, образлар талқинига ўзгаришлар киритиши, айтилаётган текстга ижодий муносабатда бўлиши табиийдир. Шу жиҳатдан эпосга нисбатан айтилган «ҳар бир вариант ўзгарувчан оғзаки ижод анъанасининг тенг ҳуқуқли намунаси, деб қаралиши керак», деган тезисни эртакларга ҳам қўллаш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотчи бундай ҳолатларни ҳам эътиборидан четда қолдирмаслиги лозим, албатта.

Шу тариқа кўрамизки, ўзбек халқ оғзаки ижоди, шу жумладан, афсона ва эртакларининг ўзига хос нафосати, жозибаси, поэтикаси, сеҳрли — фантастик мотивлари, образлар системаси ва умуман, ғоявий-бадиий жами хусусиятлари ёзма адабиётдагидан фарқли ўлароқ ижрода яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Эртакни яхши бир қўшиқнинг сўзларига, ижросини эса, мусиқасига қиёс қилсак, қўшиқ сўзлари мусиқа қанотлари остида бамисоли парвоз қилганидек, эртак ҳам ижро жараёнида бамисоли товланади, яна ҳам юксакроқ бадиият касб этади. Эртак ижроси билан боғлиқ бу дастурлар, айниқса, сеҳрли фантастик эртаклар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки улардаги фантастик элемент, мотив ва образларни талқин қилишда, фавқулодда мўъжизали воқеа-ҳодисаларга тингловчини мантиқан ишонтиришда эртакчининг ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, гоҳ ҳайвон, гоҳ дев ва гоҳ одамга тақлид қилиб чиқарган турфа овозлари беқиёс роль ўйнайди. Эртакчи ўз ижроси билан ўқувчини афсонанинг сеҳрли оламига олиб кириб, унинг диққат-эътиборини бамисоли оҳанрабодек ром қилиб олади ва шундан кейин унга истаганича ўзининг маънавий-эстетик ҳамда мафкуравий таъсирини ўтказаверади.

Ҳозирги ёзма адабиётда, жумладан, кенг китобхонлар оммасини ана шундай ўзига жалб қила олишга қодир бўлган бадиий фантастика асарларида бундай имконият йўқ, албатта. Чунки улар асосан кўз воситасида ўқиш учун мўлжаллаб ёзилади ва эртак ижроси вақтида фойдаланиладиган барча омиллар илмий-фантастик асарнинг ўқувчини интригага қила билиши ва бадиятини ошириш, метафорик бўёқлар ранг-баранглиги, қаҳрамон ва образларни кенг кўламда қиёмига етказиб талқин қилиш йўли билан қўлга киритилади.

Фольклор сўзи инглиз тилида «халқ донишмандлиги» деган маънони англатади. Асрлар давомида қайта-қайта синовлардан ўтиб, ҳамон хотираларимизда сақланиб келаётган мифлар, ҳам, сеҳрли-фантастик эртаклар ҳам халқимизнинг ана шу донишмандлигининг бой ва ранг-баранг кўринишлари сифатида фольклоршуносларимиздан келажакда янада кенг ва атрофлича илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб қилади.
